

# АНДИЖОНДА 2 МИНГ 316 ГЕКТАР МАЙДОННИНГ СУВ ТАЪМИНОТИ ЯХШИЛАНАДИ

Андижон вилоятининг Пахтаобод туманидаги “Намуна”, “Янги турмуш”, “Дўстлик”, Избоскан туманидаги “Ўзбекистон мустақиллигининг 5 йиллиги” ва “Мадад барака” ҳудудларига вегетация даврида суғориш учун сув етказиб беришда қийинчиликлар юзага келар эди. Ушбу ҳудудлардаги 2 минг 316 гектар экин майдонига сув олиб келувчи ариқ ва каналлар Мойлисойга боғлиқ бўлиб, айни саратонда сой ўзанлари қуриб қолади.

Сув таъминотини яхшилаш мақсадида 2018 йилда биринчи босқичда қуввати 1,5 м<sup>3</sup>/сек бўлган насос станциясини қуриш ишлари бошланган эди. 2020 йил 1 ноябрь ҳолатига жами 30 млрд 821 млн сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди.





Жумладан, жорий йилнинг ўзида 10 млрд сўмдан зиёд маблағ ўзлаштирилди ва МК-1 каналига секундига 0,6 м<sup>3</sup> сув чиқариш йўлга қўйилди. МК-2 каналига секундига 0,9 м<sup>3</sup> сув олиш бўйича ишлар 2021 йилда яқунланади.

**Норин-Қорадарё ИТХБ матбуот хизмати**

**манба: [www.water.gov.uz](http://www.water.gov.uz)**